БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 288 (17.868). • 18 декабрь 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

«КОСМОС-1227» ПАРВОЗДА

1980 йил 16 декабрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1227» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни планлаштириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилдилар

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети КПСС XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми ва шундан кейинги Пленумларининг қарорларига асосланиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни планлаштириш ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни янада такомиллаштириш юзасидан тадбирлар системасини амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайдилар. Бу тадбирлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш, колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлашга кўзда тутади.

I. Қишлоқ хўжалигида план ишлари даражасини ошириш тадбирлари тўғрисида. Қарорда:

фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва тараққиётнинг интенсив омиллари ролини кучайтириш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик ва йиллик планларида маҳсулот етиштириш ва давлат йўли билан харид қилиш ҳажмларининг мавжуд бўлган ва ажратиб бериладиган моддий-техника ҳамда молиявий ресурслари билан, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва капитал маблағларнинг ҳажмлари билан баланслаштирилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалигини барқарор, мутаносиб ва баланслаштирилган тарзда ривожлантириш учун зарур бўлган моддий ва молиявий резервларни вужудга келтириш;

қишлоқ хўжалигига марказлаштирилган раҳбарликни корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини янада ривожлантириш билан тўғри қўшиб олиб боришни таъминлаш, хўжаликларнинг майда-чуйда ишларига аралашишга йўл қўймаслик ва уларнинг ташаббусини кучайтириш, раҳбарлар, мутахассислар, колхозчилар ва ишчиларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун жавобгарлигини ҳамда меҳнатнинг пировард натижаларидан уларнинг моддийманфаатдорлигини ошириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳамма боскичларида планли ишлашнинг энг муҳим йўналишлари эканлиги таъкидлаб ўтилади.

СССР Госплани, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ишлаб чиқиш вақтида беш йиллик (йилларга тақсимлаб) қишлоқ хўжалик маҳсулотини давлат йўли билан харид қилишнинг ягона планларини белгилашни таъминласинлар. Шу билан бирга ердан, ишлаб чиқариш фондларидан, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, республикалар, ўлкалар, областлар ва районларга, ҳар бир колхоз ва совхозга табақалаштирилган тарзда ёндашишга, хўжаликларнинг ишлаб чиқариш йўналишларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг табиий ва иқтисодий омилларини тўлароқ ҳисобга олишга алоҳида эътибор берилсин.

Давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш борасидаги топшириқларни мавжуд бўлган ишлаб чиқариш фондлари ва ажратиб бериладиган моддий-техника ва молиявий ресурслар билан баланслаштирилганлигини таъминлаш ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари беш йиллик планларда (йилларга тақсимлаб) ва йиллик планларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг қуйидаги кўрсаткичларини колхозларга, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда бирлашмаларига маълум қилишни таъминлайдилар, деб белгиланди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини натура шаклида давлатга сотиш ва СССРни ҳамда иттифоқдош республикаларни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларида кўзда тутилган ягона планлар, ихтисослаштирилган хўжаликларда эса бундан ташқари, мазкур хўжаликлар етиштириш учун ихтисослаштирилаётган маҳсулот турлари (зотли ёш моллар, сортли уруғлик, кўчат ва маҳсулотнинг бошқа турлари)ни сотиш ҳажмлари;

тракторлар, автомобилларни, трактор прицепларини, галла комбайнларини ва бошқа асосий қишлоқ хўжалик машиналарини, ўғитларни, ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларини етказиб бериш ҳажми, парранда чилик фабрикалари, чорвачилик комплекслари ва наслчилик хўжаликлари учун эса омихта ем етказиб бериш ҳажмини ҳам маълум қиладилар. Бундан ташқари, йиллик планларда хўжалик усули билан қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун ва ремонт-фойдаланиш эҳтиёжлари учун бинокорлик материалларини етказиб бериш, шунингдек планларни бажариш учун нефть маҳсулотлари ва запчастлар бўлган бошқа моддий-техника воситаларини етказиб бериш ҳажми белгиланади;

зарур моддий-техника ресурслари билан таъминланган фан-техника ютуқларини жорий этиш юзасидан бериладиган топшириқлар;

совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда бирлашмалар бўйича — иш ҳақи фонди (норматив), шунингдек фойда, давлат бюджетига тўловлар ва давлат бюджетидан маблағ ажратиб бериш плани;

совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда бирлашмалар бўйича — асосий фондларни, энг муҳим ишлаб чиқариш қувватларини ва ноишлаб чиқариш объектларини СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани номенклатурасига қараб ишга тушириш, шу жумладан ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларини ўстириш, ишларнинг бутун комплекси бўйича қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун давлат капитал маблағлари лимитлари, қурилиш-монтаж ва пудрат ишлари лимитлари, шу жумладан ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш учун сарф қиладиган маблағлар;

иқтисодий ва социал ривожланиш планлари юзасидан ҳисоб-китобларда кўзда тутилган ва моддий-техника ресурслари билан таъминланадиган кўрсаткичлар совхозлар каби колхозларга ҳам маълум қилинади.

Капитал маблағ планлари, пудрат ишлари лимитлари, моддий-техника таъминоти планлари ва молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар хўжаликларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш планлари билан бир вақтда маълум қилинади, деб белгиланди.

СССРнинг тегишли министрликлари, идораларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан ва асосий фондлардан фойдаланиш балансларини, ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш планларини, белгиланган талбирларни амалга ошириш учун маблағга бўлган эҳтиёж ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш ва беш йиллик ҳамда йиллик планлар. Қишлоқда шу мақсадда зарур бўлган капитал маблағлар, моддий-техника воситаларини колхоз, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига биринчи навбатда ажратиб бериш, қурилиш-монтаж ва пудрат ишларини кўзда тутиш топширилди.

СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, министрликлар, идоралар, ўлкалар, областлар, районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан йиғма бўлимларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу бўлимларда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, малакаларини ва профессионал маҳоратини, уларнинг умумий билим ва маданий савиясини ошириш, уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш тадбирлари ҳамда бошқа тадбирларни ишлаб чиқариш самарадорлигига ва капитал қурилиш самарадорлигини юксалтириш ҳисобидаги топшириқлар билан боғлаш кўзда тутилсин.

Қарорда айрим ҳолларда давлат планларида кўзда тутилмаган топшириқларни колхозларга, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига тақиқлаш каби мавжуд практика нотўғри деб топилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми, экин майдонларининг миқдори ва структураси, чорва моллар сони, экинларнинг ҳосилдорлиги ва чорва молларнинг маҳсулдорлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг технологияси, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир бошқа кўрсаткичлар хўжаликларда мутахассисларни, колхозчиларни ва ишчиларни, шунингдек жамоат ташкилотларини кенг жалб этган ҳолда ишлаб чиқиладиган беш йиллик ва йиллик планларда белгилаб берилади. Бунда маҳаллий шароитлар, илғор тажриба ва илмий-тадқиқот муассасаларнинг тавсиялари ҳисобга олинади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш ва ички эҳтиёжларни қондириш юзасидан белгиланган планларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарурлиги кўзда тутилади.

СССРнинг тегишли министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ишлаб чиқаришни, моддий-техника таъминоти ва капитал қурилишни планлаштириш учун норма ва нормативларни ишлаб чиқиш ва ўз вақтида қайта кўриб чиқиш ишларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни планлаштиришнинг ҳамма боскичларида нормативларни кенг қўлланиш топширилди.

Ўрмончилик ва наслчилик иши соҳасида ягона технологик сиёсатни амалга ошириш учун СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига ва Медицина саноати министрлигига иттифоқ ташкилотларига қарашли ихтисослаштирилган хўжаликларда навли уруғ, кўчат, доривор ўсимликлар, зотли чорва моллар, тухум ва парранда етиштириш ҳамда тақсимлаш планларини иттифоқдош республикалар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш муддатларидан олдинроқ муддатларда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш таклиф этилди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка, область ва район ижроия комитетлари иттифоқ ташкилотларига қарашли наслчилик хўжаликлари, уруғчилик хўжаликлари ва бошқа ихтисослаштирилган хўжаликларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат харид планларини белгилашда ана шу хўжаликлар ўзлари учун тасдиқланадиган навли уруғлар, кўчатлар, доривор ўсимликлар, зотли чорва моллар, тухум ва парранда етиштириш планларини биринчи навбатда бажаришни таъминлаш заруратига асосланишлари керак.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилувчи министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар хўжаликлар етказиб берадиган бутун маҳсулотни харид қилишни ташкил этиш ҳамда уни узлуксиз қабул қилиб олишни таъминлаш учун жавобгардирлар — тайёрлаш корхоналари ва ташкилотларига контрактация шартномаларида кўзда тутилган миқдордан ортиқностандарт мева ва сабзавот маҳсулотларини, тез бузиладиган бошқа хил маҳсулотларни келишиб олинган шартлар ва нархлар асосида қабул қилишларига рухсат этилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бевосита хўжаликларда қабул қилиб олишга, шунингдек бу маҳсулотларни тайёрловчиларнинг ихтисослаштирилган транспорти ва умумий фойдаланишдаги ихтисослаштирилган транспортда ташишга ўтишни тезлаштириш мақсадларида иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1981 йилдан бошлаб тайёрлаш ташкилотлари колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларига бевосита хўжаликларнинг ўзида маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва топшириш вазифасини белгилаб кўйиш топширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид этувчи СССР министрликлари ва идоралари ўз планларида ана шу маҳсулотлар бевосита хўжаликларда қабул қилинадиган харид ҳажмини кўзда тутишлари керак.

СССР Госплани ва СССР Госснаби 1981 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид этувчи министрликлар ва идоларга ихтисослаштирилган автомобиллар, шунингдек бу автомобилларни харид этишга, гаражлар ва ремонт базаси қуришга, бевосита хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиш учун зарур тара ва юк ортиш-туширишнинг техникасини сотиб олишга капитал маблағлар ҳам ажратилишини кўзда тутсинлар.

1981 йилдан бошлаб зиммаларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш вазифаси юкланган тайёрлаш, савдо корхоналари ва ташкилотлари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар колхоз, совхоз ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларининг транспортидан фойдаланганида хўжаликларнинг юк ташиш ва тушириш харажатларини қоплаши белгилаб қўйилди. Харажатлар маҳсулотни ташиб келтирган транспорт турининг норма ва тарифларига биноан қопланади.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларидаги мавжуд омборхоналардан янада тўлароқ фойдаланиш, картошка, сабзавот, ҳўл мева сақлашни яхшилаш ҳамда уларни савдо корхоналари ва ташкилотларига бевосита алоқага биноан янада бир маромда юбориб туриш мақсадида хўжаликларда сақланаётган маҳсулотни уларни амалда реализация қилинган йилда давлатга сотиш планини бажариш ҳисобига кўшиш мақбул деб топилди.

II. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларни давлатга сотишни кўпайтириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни такомиллаштириш тўғрисида. Ягона давлат харид планлари белгиланиши муносабати билан, шунингдек колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмалари давлатга сотадиган қишлоқ хўжалик маҳсулот бирлиги учун давлат тўловларининг вужудга келган ўртача даражасини саклаб қолиш мақсадида 1981 йилнинг январидан бошлаб пландан ташқари сотиладиган маҳсулотга ёки бундан аввалги йилларда эришилган даражадан ортиқча сотилган маҳсулотлар учун тўланадиган кўшимча пулни қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларига кўшиш қарорда кўзда тутилган. 1981 йилдан бошлаб донли экинлар, соя, машинада ва қўлда терилган пахта навларига, ферментланмаган тамаки хом ашёси, узун толали зигирпой, ўрта рус ва жанубий наша ўсимлиги ва уйқу келтирадиган (мойли) кўкнор маҳсулотининг харид нархлари шуни назарда тутиб белгиланади.

Колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва аҳоли давлатга сотадиган бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ажратилган пул миқёсида харид нархларини ишлаб чиқиш ва СССР Давлат нарх комитети билан келишиб олган ҳолда харид нархларини тасдиқлаш ва бунда юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпроқ етиштиришни рағбатлантиришни кўзда тутиш вазифаси топширилди.

Давлатга ўнинчи беш йилликда эришилган ўртача даражадан ортиқча дон, кунгабоқар, қанд лавлаги, пахта, соя, зигир тола ва наша маҳсулотлари (ивитилган поя, тола), картошка, чой барги, тамаки, хмель, горчица, эфир, мойли экинлар, кўкнор, чорва ва парранда, сут, жун, тухум, қоракўл тери ва панта (шох) сотганлик учун 1981—1985 йилларда харид нархларининг 50 проценти миқдорида кўшимча ҳақ тўлаш белгиланди.

(Давоми иккинчи бетда).

КУБА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ II СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети 17 миллионли совет коммунистлари ва бутун халқимиз номидан Куба Коммунистик партияси II съездининг делегатларини, шонли Озодлик ороли коммунистлари, барча меҳнаткашларини қизғин, қардошларча табриклайди. Биз съездимиз ўз олдида турган масъулиятли вазифаларни ҳал этишда катта муваффақиятга эришувини тилаймиз.

Сизлар бартараф қилишингиз лозим бўлган қийинчиликлар ва мураккаб проблемалар мавжудлигига қарамай, Куба революцияси комил ишонч билан куч тўплаб, социализм йўлидан муттасил олға ҳаракат қилиб бораётганлиги Совет коммунистларини қувонтирмоқда. Сизнинг партиянгиз ўзининг II съездини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланиб, жипслашган ҳолда кутиб олди, партия аъзоларининг сони икки баравар ортди, партиянинг обрўси ва жамиятдаги раҳбарлик роли ўсди. Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида— экономикани, халқ маорифини, соғлиқни сақлашни, социал таъминотни ривожлантириш, болаларга ғамхўрлик қилиш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришилди.

Социалистик Куба тез ривожланаётган жамият бўлиб, унда ижтимоий муносабатлар муттасил такомиллаштирилмоқда, давлат ҳокимиятининг демократик тартиботлари вужудга келди ва муваффақиятли суратда иш олиб бормоқда. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги кенг ва актив иштироки социалистик демократиянинг янада ривожланаётганлигини ифодалайди.

Революцион Кубанинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди. Сизнинг мамлакатингиз қардош социализм мамлакатлари билан биргаликда кескинликни юмшатиш ва тинчлик сиёсатини қатъият билан ўтказиб келмоқда, халқаро вазиятни соғломлаштиришга эришиш учун сабот-матонат билан ҳаракат қилмоқда. Сизнинг мамлакатингиз блокларга кўшилмаслик ҳаракатида актив қатнашмоқда, бу ҳаракатнинг империализмга қарши, прогрессив йўлни амалга оширишга салмоқли ҳисса кўшмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, совет кишилари Куба Коммунистик партиясининг I съездидан кейин ўтган давр партияларимиз, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама мустаҳкамланган ва такомиллашган даврни бўлиб қолганлигидан астойдил мамнундирлар. Л. И. Брежнев ва Фидель Кастро Рус ўртоқлар имзолаган Совет-Куба декларациясига тамомила мувофиқ равишда бизнинг ҳамкорлигимиз кенгая бориб, ижтимоий ҳаёт ва фаолиятнинг барча янги соҳаларини қамраб олди. Совет ва Куба космонавтларининг биргаликда қилган парвози бунинг ёрқин намунаси бўлиб қолди.

Яқин келажакда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVI съезди ўтказилади. Бу съезд Советлар мамлакати тараққиётига якун ясайди, келгуси даврдаги вазифаларни белгилайди. Биз қардош партияларимиз олий анжуманларининг иши социалистик ва коммунистик қурилишда СССР ва Куба меҳнаткашларининг биргаликда бажарадиган ишларини янада кенгайтириб юборажагига, тинчлик ва социал тараққиёт учун, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини эркин белгилаб олиш ҳуқуқи учун курашда Совет-Куба ҳамкорлигини янада кўпроқ мустаҳкамлашига астойдил аминмиз.

Биз сизларнинг иттифоқчиларингиз ва дўстларингизмиз. Биз Куба халқи революциянинг ғалабаларига таяниб, марксизм-ленинизмнинг ижодий руҳида ҳаракат қилиб, ўзининг Коммунистик партияси бошчилигида ўз меҳнати ва истеъдод билан социалистик ватанининг янада тараққий этиши ва гуллаб-яшнашига эришади, деб ишонамиз.

Азиз ўртоқлар, сизнинг бу йўлда каттадан-катта муваффақиятларга эришувларингизни тилаймиз!

Коммунистик партияларимизнинг иттифоқи, социалистик давлатларимизнинг ҳамкорлиги, халқларимизнинг дўстлиги яшнаб, мустаҳкамланаверсин!

Яшасин тинчлик ва коммунизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ЙИЛИМИЗНИ ЗАРБДОРЛАРЧА ЯКУНЛАЙЛИК



Республикамиздаги илғор корхоналардан бири — Тошкент ГРЭСи коллективи КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада туриб ишламоқда. Нурчилар планга қўшимча 40 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш ҳамда 4 минг тоннадан зиёд ёқилғини тежаб қолиш мажбуриятини олишган. Мусобақа пешқадамлари орасида ГРЭСнинг моҳир электр слесари Суннат Маҳкамов ҳам бор.

Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори С. Маҳкамов.

И. Глауберзон фотоси.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

● **САМАРҚАНД.**

Самарқанд район партия комитетининг Улуғбек посёлкасида бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари ўн биринчи беш йиллиқда гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш соҳасида район партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Район хўжаликларининг чорвадорлари ўтган беш йил мобайнида кўнгина меҳнат ғалабаларига эришдилар, фермалар маҳсулот етиштиришни анча кўпайтирдилар. Бу ерда йиллик гўшт етиштириш 3,6 минг тонна бўлди. Гўштга топириладиган қорамолнинг ўртача вазни 414 килограммга, чўчқалар вазни 104 килограммга етказилди. Лекин районда жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш учун ҳали кўпгина резервлар бор.

Самарқанд районининг меҳнаткашлари чорвачиликни интенсивлаштириш ва уни саноат негизига кўчириш асосида 1985 йилга бориб гўшт етиштиришни тўрт баравардан зиёд кўпайтириб, йилига 15 минг тоннага етказишга қаратилган конкрет тадбирларни белгиладилар. Сут етиштириш бир ярим баравар кўпайтирилади ёки 25,2 минг тоннага етказилади. Бу ерда ҳар йили юз миллион донадан зиёд ёки ҳозиргига қараганда уч баравар кўп тухум етиштириладиган бўлади. Ана шундай ўсишга эришишни таъминлаш учун «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXVI съездига КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида кўрсатиб ўтилганидек, районда чорвачиликнинг мустаҳкам ва баланслашган ем-хашак базасини вужудга келтириш йўллари ишлаб чиқилди. Озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини оширишга, оралиқ ва аралаш экинлар экиши кенг жорий этишга, колхоз ва совхозларда фан ва техниканинг энг янги ютуқларига асосланган ем-хашак тайёрлаш цехларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилади. Поданинг зотини яхшилаш юзасидан катта ишларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, янги беш йиллиқда ишларни яхши бошлаб юбориш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, шу қиш мавсумида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ферма меҳнаткашларининг актив қатнашиши келгуси беш йиллик учун белгиланган юксак марраларга эришиш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

● **КОНИМЕХ.**

Конимех район партия комитетининг 17 декабрь куни бўлиб ўтган пленумида «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXVI съездига КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида ўн биринчи беш йиллиқда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан район партия комитетининг белгилаган тадбирлари муҳокама қилилди.

Пленумда қайд этиб ўтилганидек, район меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, жамоат чорвачилигини ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришдилар. Гўшт, сут, тухум ва чорвачилик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштириш юзасидан 1976—1980 йилларга белгиланган топшириқ муддатидан илгари бажарилди. Ҳар юз бош совлиқдан 170 тадан зиёд қўзи олинди. Районда бундай кўрсаткичга биринчи марта эришилди. Колхоз ва совхозларда чўчқачилик, парранда чилик муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Янги чорвачилик фермалари қурилди, чўчқачилик комплекси барпо этилди.

Сўзга чиққан нотиқлар диққат-эътиборни ҳал қилинмаган проблемаларга қаратдилар. Чўпонларнинг йирикларштирилган бригадалари сонини кўпайтириш, озуқабоп экинлар майдонини кенгайтириш, қоракўл қўйлар, шунингдек бошқа турдаги чорва молларнинг зотини яхшилаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Чорвачилик фермалари ва комплекслари тўйимли озуқа билан таъминлашга, ем-хашак тайёрлаш цехларини ва уни буғлаш хоналарини қуришга катта эътибор берилиши лозим.

Конимех чорвадорлари чорва қишловини намунали ўтказиш учун олиб борилаётган Бутуниттифоқ мусобақасига актив қўшилдилар. Шу кунларда ем-хашакни майдалаш ва қишлов жойларига ташиб келтириш бошлаб юборилди. Қиш мавсумида биронта ҳам қўйни нобуд қилмаслик, кўкламги қўзилатиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўриш учун отарлар аҳволига эътибор кучайтирилди.

Район меҳнакашлари КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олишга интилиб, 1981—1985 йилларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мақсуллаган тадбирларни белгиладилар. Улар ўн биринчи беш йиллиқнинг қисқарига бориб йиллик гўшт етиштиришни 10 минг тоннага ёки 1979 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Қўй ва эчкилар сонини 700 минг бошга етказиш кўзда тутилмоқда, бу эса ҳозирги вақтдагига қараганда қариб икки юз минг бош кўпдир. Қорамоллар, чўчқалар, отлар, туялар, парранда сонини кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ҚУРИҚДАГИ ЗАВОД

Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхозда ишга туширилган янги пахта заводи дастлабки тонна юқори сифатли тола ишлаб чиқарди. Завод йилига 40 минг тонна пахтани қайта ишлашга мўлжалланган. Бу эса ҳосилни бошқа жойга ташишни анча қисқартиради.

Завод иккита янги поток линия, механизациялаш ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда пахта тозаловчиларнинг меҳнат шароити яхшиланган, ишлаб чиқариш маданияти оширилган.

Янги завод ўнинчи беш йиллиқда Жиззах областида қурилган тўртинчи саноат корхонасидир.

(ЎзТАГ).

ЯРИМ ЙИЛ ИЛГАРИ

Сирдарё ГРЭСнинг ўнинчи блоки қозони монтаж қилина бошланди. «Средазэнергомонтаж» трестининг Эрнфат Уланов бошлиқ буг қозон мутахассислари, Юрий Козлов ва Леонид Киселев бошлиқ трубопроводчилар бригадалари ишни уч сменада олиб бормоқдалар. Иссиқлик электростанцияси сўнгги гидроагрегатининг энг муҳим узелларидан бирини ўрнатиш борасидаги масъулиятли жараён нормадаги муддатдан ярим йил илгари — КПСС XXVI съезди иш бошлайдиган кунгача тугалланади.

(ЎзТАГ).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1981 йил 4 январь дам олиш кунини 1981 йил 2 январь жума кунига ўтказишга қарор қилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

(Бошн биринчи бетда).

СССР Тайёрлаш министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Давлат нарх комитетига колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларига кўрсатиб ўтилган қўшимча ҳақни тўлаш тартиби тўғрисидаги инструкцияни бошқа манфаатдор министрликлар ва идоралар иштирокида ишлаб чиқиш ҳамда СССР Молия министрлиги билан келишиб олган ҳолда уни тасдиқлаш топширилди.

Тайёрлаш ташкилотлари қабул қилмаган ва КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг 1967 йил 13 апрелда қабул қилган 319-сонли қарорида кўзда тутилган сабзавот, хўл мева ва резавор мева, узум ва тез бузиладиган бошқа маҳсулотлар, шунингдек картошка ва парандани реализация қилиш тартиби ва шартлари колхозлар ҳамда қишлоқ хўжалигидаги хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар)га ҳам тааллуқлидир.

Қишлоқ хўжалик ҳом ашёсини қайта ишлашдаги моддий-техника таъминоти шартлари, сифати давлат стандартларига мос келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилишни планлаштириш тартиби, шунингдек қишлоқ хўжалик ҳом ашёсидан маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари шундай халқ истеъмоли моллариг тааллуқли улгуржи нархлар СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги системасидаги колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига, Украина ССР Совхозлар министрлиги ва Молдавия ССР колхозлар кенгашига ҳам тааллуқлидир.

Совхоз ходимлари ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида экинтикин билан банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи ишбай-мукофот системаси билан тўланиши белгиланди:

бригада, отряд, звенода бажарилган қишлоқ хўжалик ишлари ҳажми учун тариф ставкалари ва иш нормаси бўйича:

олинган маҳсулот учун — иш ҳақи тариф фондининг 25 процентига асосланиб белгиланган маҳсулот бирлиги (натурал ёки қимматбаҳо)нинг нархи бўйича, маҳсулот бирлигининг нархи иш ҳақи тариф фондининг 50 процентига асосланиб белгиланадиган экиндар бунга кирмайди. Бригада, отряд, звено маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган йиллик планни камида 80 процент қилиб бажарганида, ёғингарчилик етарли бўлмаган ва ортиқча бўлган зоналарда эса (тегишли иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг рухсати билан) маҳсулот етиштириш плани камида 50 процент бажарилганида ишчилар меҳнатига мазкур тартибга мувофиқ ҳақ тўланади.

Совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида деҳқончилик ва чорвачиликда банд бўлган ҳамда умуман биркитилган группа бўйича қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорва ҳамда парранда маҳсулдорлиги юзасидан юқори кўрсаткичларга эришган ишчиларга қўшимча тўланадиган ҳақ миқдори юқори ташкилотнинг рухсати ва тегишли касаба союз комитети билан келишиб олган ҳолда тариф фондининг 25 процентидан 50 процентга қадар кўпайтирилиши мумкин деб белгиланди.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги, чорва, парранда маҳсулдорлиги кўрсаткичларини аниқлаш СССРнинг тегишли министрликлари ва идоралари ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига топширилди. Ана шу кўрсаткичларга эришилган тақдирда иш ҳақи тариф фонди шундай оширилади ва бу оширишнинг конкрет миқдори ҳам белгиланади.

Совхозда ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарларига ишлаб чиқариш конкрет шароитларини ҳисобга олиб, юқори органларнинг рухсати ва тегишли касаба союз комитети билан келишиб олган ҳолда ишчиларни мавжуд мукофотлаш тартиби ўрнига хўжаликда ишлаб чиқарилган кўрсаткичларга мувофиқ мукофотлаш ҳуқуқи берилди. Бунда ишчиларни мукофотлаш меҳнат унумдорлигини оширишга, таннарх ва бевосита харажатларни камайтириш, аввалги йилларга нисбатан ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатли озуқа етиштиришни оширишга, экин ҳосилдорлиги, чорва ва парранда маҳсулдорлигини кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, чорва ва парранданг сақлаб қолишни таъминлаш, трактор, комбайн ва бошқа машиналарнинг юксак унумдорлигига эришиш, машина-ускуналарни асраш таъминлаш, суғориш кетадиган сувни тежаб-тергаш ва бошқа иш кўрсаткичларини яхшилаш учун рағбатлантиришга қаратилмоғи лозим.

Ишлаб чиқариш бригадаларининг коллективлари (кенгашлари)га бутун бригада коллективининг иш натижаларига кўра, улар учун белгиланган мукофот ва иш ҳақи миқдори доирасида ҳар бир бригада аъзосининг умумий иш натижаларига қўшган реал ҳиссасини назарда тутиб, унга бериладиган мукофот ва иш ҳақи миқдорини белгилаш, профессионал маҳорати ва бир неча касбда ишлаганлиги учун бригада аъзоларини устама ҳақ ва қўшимча ҳақ олишга тақдим этиш, бригада ичида социалистик мусобақа голибларини ва уларни рағбатлантириш миқдорини белгилаш, хўжалик ички социалистик мусобақасининг якунларига кўра бригада аъзоларидан моддий ва маънавий рағбатлантириш учун номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

Совхозлар, бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмалари меҳнат коллективларининг меҳнат унумдорлигини ўстириши жадалаштиришдан уларнинг манфаатдорлигини оширишга ҳамда кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш мақсадида совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда бирлашмаларига белгиланган норма ёки планлаги иш ҳақи фондига нисбатан тежаб қолинган иш ҳақи фонди ҳисобига тариф ставкалари ва маошларга қўйидагича устама ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилди:

бир неча хил касбда ишлаганликлари ва белгиланган иш ҳажмини кам ходимлар билан бажарганликлари учун ишчиларга ставка (маош)нинг 50 процентигача миқдорида;

алоҳида масъулиятли ишларда банд бўлган ремонт устаноаларининг малакали ишчилари юксак профессионал маҳоратлари учун (корхонадаги узлуксиз иш стажини назарда тутган ҳолда) разрядларарО тафовут миқёсида берилган разряд тариф ставкасининг 4,8 ва 12 процентги миқдорида босқич ма-босқич;

инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга юксак малакаси учун маош (ставка)нинг 30 процентги миқдорида, деҳқончилик ва чорвачиликда бригада бошлиги сифатида ишлайдиган қишлоқ хўжалик мутахассисларига эса 50 процентги миқдорида, совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмалари иш ҳақи фондининг бир процентигача миқдорида устама ҳақ тўланади.

Иш кўрсаткичлари ёмонлашиб кетса, шу устама ҳақлар бекор қилиниши мумкин.

СССРнинг тегишли министрликлари ва идоралариг совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларининг ишчилари, раҳбар ходимлари ва мутахассислари ни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини юксалтиришга рағбатлантириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш ва бу таклифларни СССР Министрлар Советига тақдим этиш вазифаси топширилди. Хўжаликлар юқори сифатли маҳсулотни реализация қилишдан олган қўшимча пул маблағларининг бир қисмини мана шу мақсадларга ажратиш назарда тутилади.

Совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида деҳқончиликдаги механизациялаштирилмаган ишларда банд бўлган етакчи касбларда ишчиларнинг малака оширишдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш учун «1 класс ўсимликшунослик устаси» ва «2 класс ўсимликшунослик устаси» унвонлари белгиланди. Уларга иш ҳақининг 20 процентги ва 10 процентги миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Айни маҳалда СССРнинг манфаатдор министрликлари ва идоралари СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ва ВЦСПС билан келишиб олган ҳолда шу унвонларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқлашлари лозим.

Колхозларга деҳқончиликдаги механизациялаштирилмаган ишларда банд бўлган колхозчиларга шу низомга биноан тегишли унвон бериш тавсия этилди.

Ем-хашакни ялпи ўриб йиғиб олиш даврида озуқа тайёрлаш ишлари билан банд бўлган совхоз ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг тракторчи машинистлари меҳнатига тўланадиган ҳақ I ва II класс озуқа тайёрланганида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг донли экинлар ва дон-дуккакли экинлар, дон ва силос учун етиштирилган маккажўхори, қунгабоқар, картошка ва уруғли ўтларни йиғиштириб олишда банд бўлган тракторчи машинистлар учун 1966 йилнинг 22 апрелида қабул қилган 311-сонли қарорида кўзда тутилган тартиб ва шартлар билан берилади.

Қарорда 1981 йилдан бошлаб раҳбар ходимлар ва мутахассисларни мукофотлаш тартибини қуйидагича жорий этиш кўзда тутилган:

бундан аввалги 5 йилда эришилган ўртача йиллик даражага нисбатан қишлоқ хўжалик маҳсулотини реализация қилиш (етиштириш) ҳажмини кўпайтирганликнинг ҳар проценти учун мансаб маошларига қараб бериладиган йиллик иш ҳақининг 2 процентигача миқдорда;

бундан аввалги 5 йил мобайнида эришилган ўртача йиллик даражага нисбатан кўпайган фойданинг ҳар бир проценти учун мансаб маошларига кўра, белгиланган йиллик иш ҳақининг 2 процентигача миқдорда;

олинган фойда учун.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш (етиштириш) ҳажмини кўпайтирганлик учун хўжаликлар иш ҳақи фонди ҳисобидан, фойдани кўпайтирганлик ва фойда олганлик учун эса КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1970 йил 2 апрелда қабул қилган 227-сонли қарорига мувофиқ раҳбар ходимлар ва мутахассислар мукофотлаш учун фойдадан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан мукофотланади. Олинган фойда учун бериладиган мукофот миқдори ҳар бир ходим учун йилига икки ойлик мансаб маошидан ортиб кетмаслиги керак.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш (етиштириш)ни кўпайтирганлиги учун раҳбар ходимлар ва мутахассисларга бериладиган мукофот дон ва гўшт етиштириш плани бажарилган, ихтисослаштирилган хўжаликларда эса бундан ташқари асосий тармоқ маҳсулотларини етиштириш плани бажарилган тақдирда ажратилади. Хўжаликларнинг мутахассислари улар банд бўлган тегишли тармоқ ёки ишлаб чиқариш участкаларининг иш натижаларига биноан мукофотланадилар.

Совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида моддий рағбатлантириш фонди 1981 йилдан бошлаб маҳсулот етиштириш ва фойда олиш кўпайишига қараб барқарор нормативларга биноан ҳосил қилинади.

Совхозларда ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида бу фонд:

фойдадан процент ҳисобида белгиланган норматив бўйича бундан аввалги беш йил мобайнида эришилган ўртача йиллик даражага нисбатан ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсишининг ҳар бир проценти учун;

фойда олиш учун белгиланган норматив бўйича ҳосил қилинади.

Бу фонд паст рентабелли совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида (иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари тасдиқлаган рўйхат бўйича) бундан аввалги беш йил мобайнидаги ўртача йиллик даражага нисбатан ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсишининг ҳар бир проценти учун иш ҳақи йиллик план фонди пулининг 0,3 процентигача миқдори ҳисобидан ҳосил қилинади.

Совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида моддий рағбатлантириш фондига ажратиладиган жами пул (нормативлар белгиланган йил учун) корхона иш ҳақи йиллик план фондининг 12 процентидан ошиб кетмаслиги керак.

СССРнинг тегишли министрликлари ва идоларига совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий рағбатлантириш фонди тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, уни тасдиқлаш, унда бошқа шартлар билан бирга маҳсулот сифатини оширганлик учун хўжалик ходимларини мукофотлаш тартиби ва шартларини кўзда тутиш вазифаси топширилди.

Колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар вужудга келтиришда уларга молиявий ёрдам бериш мақсадида қарорда колхоз ва совхозлар СССР Давлат банки берган ва илгари тўлаш муддати кечиктирилган ҳамда 1980—1981 йилларда тўлай олмаган жами 10 миллиард сўмлик қарзларини узишларини яна кечиктириш ва бу қарзни 1991 йилдан бошлаб 10 йил мобайнида баравар бўлиб-бўлиб узишлари мумкнилиги кўзда тутилган. Колхоз ва совхозлар СССР Давлат банки берган ва ушбу қарорга мувофиқ узилиши кечиктирилган қарзларнинг процентини тўлашдан озод этилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, ўлка, область ва район партия комитетлари, автоном республикалар Министрлар Советлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари зиммасига ҳар бир колхоз ва совхознинг иқтисодий ва молиявий аҳволини кўриб чиқиб, уларнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлиги ва хўжаликлар рентабеллигини ошириш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва маблағларни сарфлашдаги ортиқчаликларни тугатиш, хўжалик ички резервларидан янада тўлароқ фойдаланиш ҳамда колхоз ва совхозлар СССР Давлат банки берган қарзларни ва бошқа тўловларни ўз вақтида узишларини таъминлаш мажбуриятини юклади.

СЪЕЗДДАН СЪЕЗДГАЧА

ИНДУСТРИЯМИЗНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

И. АНИСИМКИН,
Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари

◆ ◆

КПСС Марказий Комитетининг умумиҳалқ муҳокамасига қўйилган партия XXVI съездига лойиҳаси республикамиз меҳнаткашлари томонидан зўр кўтаринкилик билан кутиб олинди. Мазкур лойиҳанинг муҳокамаси экономикамизни янада юксалтиришга, совет кишилари фаровонлигини тағин ҳам устиришга имкон беради.

Учинчи беш йиллик мобайнида республикамиз иқтисодий ва социал тараққиётнинг барча йўналишларида сезиларли даражада олға қадам қўйди. Унинг саноат потенциали анча ўсди. Ишлаб чиқариш фондлари кенгайди ва янгиланди, ижтимоий ишлаб чиқариш структураси яхшиланди ва унинг самарадорлиги ошди. Бугунги Ўзбекистон — қудратли социалистик индустрияга эга бўлган ўлкадир. Ҳозирги вақтда унинг юздан кўпроқ тармоққа майсуб бўлган 1400 дан ортиқ саноат корхонаси ишлаб турибди.

Республика саноати маҳсулот реализация қилиш беш йиллик планини муваффақиятли адо этди. Саноат маҳсулоти ҳажми 1975 йилдагига нисбатан қариб 29 процент кўпайди, асосий фондлар 19 миллиард сўмга ошди, меҳнат унумдорлиги 10,7 процент ўсди. Планга қўшимча 1,5 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Шу даврмобайнида республика бинокорлари етмишдан кўпроқ йирик саноат корхонасини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган жуда катта ишлар бажарилди. Биргина шу йилнинг ўзида 1 миллиард 100 минг сўмдан кўпроқ маҳсулот Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилди. Ёки бундай маҳсулот ишлаб чиқариш 1975 йилдагига қараганда 3,3 баравар кўпаяди.

Халқ хўжалигининг энергетика, машинасозлик, химия, қора ва рангли металлургия каби етакчи тармоқлари юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, ўнинчи беш йиллик мобайнида химия саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 52 процентдан кўпроқ, машинасозликда 57, қора металлургияда 72 процент ўсди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам юксак суръатлар билан кўпайди. Жумладан, енгил саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,4 баравар, озиқ-овқат саноати маҳсулоти 1,3, мебель саноати маҳсулоти 1.5 баравар, маҳаллий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 76 процент кўпайди.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида республикада меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Кичик шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкаларда ва қишлоқ районларининг марказларида 155 корхона, саноат корхоналарининг филиаллари ва цехлари ишга туширилди. Бу эса 15 мингдан кўпроқ кишини ишлаб чиқариш жараёнига қўшимча равишда жалб этиш ва йилига қариб 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш имконини берди.

Ўнинчи беш йиллик республика экономикасини ривожлантиришда муҳим босқичга бўлиб қолди. Ўн биринчи беш йилликда самарали ишлаш учун мустаҳкам замин яратилди. Келгуси беш йилликда олдимизда турган вазифалар эса янада катта ва мураккабдир. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши 28—31 процент ошириш ва бунга биринчи навбатда мавжуд қувватлардан янада яхшироқ, янада жадалроқ фойдаланиш ҳисобига эришиш лозим.

Республикада ўнинчи беш йиллик мобайнида замонавий техника билан жиҳозланган кўплаб янги ишлаб чиқаришлар ишга туширилди. Янги машина ускуналаридан тўғри фойдаланиш хизмат кўрсатадиган ходимларнинг юксак малакали ва техникавий жиҳатдан маданиятли бўлишини тақозо қилади. Шу боиснан бугунги кунда ана шу корхоналарнинг самарали ишлаши учун қаерда, қайси объектда ва қанча миқдорда малакали кадр кераклигини аниқ-равшан билмоқ керак. Республика министрликлари ва идоралари, Ҳунар-техника таълими давлат комитети ана шу масалани ҳал этишга жадал киришишлари лозим.

Меҳнат унумдорлигини янада ошириш беш йиллик топшириқларини муваффақиятли ҳал этишнинг энг муҳим шартидир. Бунга асосан ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, прогрессив технология жараёнларини жорий этиш, ҳом ашё ва материалларнинг янги турларидан фойдаланиш, илғор тажрибани оммалаштириш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш йўли билан эришиш мумкин. Меҳнат унумдорлигининг оширилиши меҳнат ва технология интизомига қатъий риоя қилиниши, барқарор ишлаб чиқариш коллективларининг вужудга келтирилиши, кишилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришнинг такомиллаштирилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бу масалалар хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат марказида бўлмоғи керак.

Ўн биринчи беш йилликда фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу борада корхоналарни реконструкциялаш ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш энг кўп самара беради. Шу жиҳатдан Тошкентдаги чинни ва трактор, Олмалиқ химия ва Самарқанддаги лифтсозлик заводлари ҳамда бошқа корхоналарнинг иш тажрибаси ибратомуздир. Эскирган машина-ускуналарни модернизациялаш ва алмаштириш йўлини бундан кейин ҳам дадил давом эттирмоқ керак. Эскирган машина-ускуналарнинг тез-тез тўхтаб қолиш ҳоллари, плансиз ремонт қилинишлари натижасида республикамиз халқ хўжалигига жиддий зарар етказилаётгани сир эмас. Биргина ана шу сабабларга кўра машинасозликда ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан биргаликда янги заводлар ва фабрикалар қурилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга киришади. Йирик корхоналар ва бирлашмаларнинг филиаллари ва цехларини ташкил этиш йўли билан кичик шаҳарларда саноат ривож топа бошлайди.

Республикада аввалгидек химия саноати жадал суръатлар билан ривожлантирилади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпайтирилиши керак. Бунга энг аввало мавжуд ва янги ишга туширилаётган қувватлардан тўлароқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида янги Кўқон химия заводи, Фарғона азот ўғитлари заводида карбамид, дефолиантлар ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади, Чирчиқдаги «Электрохимпром», «Навоиазот» бирлашмалари ва Навоийдаги «Электрохимия» заводи каби химия гигантлари янада ривожлантирилади.

Шу муносабат билан химия саноати меҳнаткашларининг асосий вазифаси якка қувватларни тезроқ ва сифатлироқ ўзлаштиришдан, маҳсулот бирлигига моддий ва энергетика сарфларини камайтиришдан иборат бўлиб қолади.

Келгуси беш йиллинда ёнилғи-энергетика комплексини жадал суръатлар билан ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Электр қуввати ҳосил қилиш анча кўпаяди. Беш йиллик мобайнида электр қуввати ҳосил қилиш 44—45 миллиард киловатт-соатга етказилади, бу эса 1980 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўпдир. 2,5 миллион киловатт-соатга яқин янги қувватларни ишга тушириш мўлжалланмоқда. 25 минг километрдан кўпроқ узунликдаги электр узатиш линиялари барпо этилади. Республика қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг электр билан қуролланганлик даражаси 1,47 баравар ошади.

Шу йиллар мобайнида қора ва рангли металлургия янада ривожлантирилади. Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида асосан Қалмоққир, Олтинтопган ва Учқулоч конларининг ҳом ашё базаларини реконструкция қилиш ва янада ривожлантириш ҳисобига асосий ишлаб чиқариш фондларини икки баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бу эса тўхтовсиз қуйиш ишлаб чиқаришини кескин ошириш, мис маҳсулотини ишлаб чиқаришни 2,5 баравар кўпайтириш, металл рухни тайёрлашни 1,5 баравар ошириш имконини беради. Рангли металлургиянинг барқарор ишлашида республика геологларининг хизмати анчагина. Улар саноатни ҳом ашё билан узоқ вақт таъминлаб туриш вазифасини тўла уддаладилар.

Ўзбекистон металлургия комбинатида ҳам улкан режалар белгиланган. Бу ерда йилига 680 минг тонна металл эритиш қувватига эга бўлган янги «300» прокат станини ишга туширишга тараддуди кўрилмоқда. Заготовкаларни узлуксиз қуйдиган жаҳонда биринчи саноат горизонтал машинасини фойдаланишга топшириш билан мартен цехини модернизация қилиш мўлжалланмоқда. Буларнинг ҳаммаси эса беш йиллик охирига бориб пўлат ва прокат ишлаб чиқаришни 900 минг тоннага етказиш ва сирланган идишлар ишлаб чиқаришни 34,5 миллион сўмга етказиш имконини беради.

Республика машинасозлари олдида ҳам катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Масалан, Тошкент трактор заводида саксон от кучига эга бўлган тракторларни ишлаб чиқариш йилига 35 мингтага ва юк тортиш қуввати оширилган трактор прицепларини ишлаб чиқариш 40 мингтага етказилиши лозим.

Машинасозларнинг кучгайратлари капитал маблағларни ўз вақтида ўзлаштиришга, коллективларнинг ижодий активлигини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрларнинг қўнимсизлигини камайтиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга, партиявий таъсир формаларни ва методларини муттасил такомиллаштира боришга қаратилмоғи лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети октябрь (1980 йил) Пленумида сўзлаган нутқида халқнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга, унинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга катта эътибор берилди. Бу биринчи навбатда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқдир. Енгил саноатда Андижон ва Нукус ип-газлама комбинатларини, Жиззах йигирув фабрикасини, Бухоро тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбатини, пойабзал, тикув ва трикотаж тармоқларининг бир қанча корхоналарини қуриш мўлжалланмоқда. Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатларини бундан бўён ҳам реконструкция қила бориш кўзда тутилмоқда. Буларнинг ҳаммаси эса ип-газламалар ишлаб чиқаришни 2,4 баравар, ички трикотаж ийним ва пайпоқ ишлаб чиқаришни 1,5 баравар, шойи газламалар ишлаб чиқаришни 1,2 баравар кўпайтириш имконини беради. Айни чоғда буюмларнинг моделини яхшилаш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоғи керак.

Республика озиқ-овқат саноатида Гулистондаги гидромаргарин заводи, Марғилондаги кондитер фабрикаси, бир қанча нон заводлари ва ёғ заводлари қурилади. Бироқ ишлаб чиқаришнинг 1,25 баравар ўсишига асосан мавжуд қувватлардан тўла фойдаланиш, эскирган машина-ускуналарни модернизациялаш ва алмаштириш ҳисобига эришилади.

Қишлоқ хўжалик ҳом ашёсини қайта ишлашнинг комплекслигини анча ошириш ва улардан фойдаланишни яхшилаш ҳам мўлжалланмоқда. 1985 йилга бориб, 1 миллиард шартли банкадан кўпроқ ҳажмда мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш кўзда тутилаётир. Бунга асосан янги консерва заводлари қуриш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш йўли билан эришилади.

Мебелсозлик ва маҳаллий саноат янада ривожлантирилади. Улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг ҳажми 1,5 баравардан кўпроқ оширилади.

Ўзбекистон аввалги йиллардагидек мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади. Шу муносабат билан пахта тозалаш саноатини тағин ҳам ривожлантириш кўзда тутилмоқда. 24 та пахта тозалаш заводи, 80 та тайёрлов пункти, чигитни тайёрлаш бўйича 12 та ихтисослашган ишлаб чиқариш, 600 янги омбор, 90 та қуритиш-тозалаш цехи қурилиши мўлжалланмоқда. Тармоқни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришга алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Буларнинг ҳаммаси пахтани узлуксиз ва поток усулида қабул қилиб олиш, уни ишончли сақлаш ва юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун шарт-шароит яратади.

Фан-техника тараққиётини янада жадаллаштиришга, ишлаб чиқаришда илмий-техникавий ечимларни ва янги техникани жорий этишга, саноатни бошқаришни такомиллаштиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Шундай қилиб, ўн биринчи беш йиллик Совет Ўзбекистонининг саноатини шахдам одимлар билан ривожлантириш, унинг индустриал потенциали ва республиканинг иқтисодий ва социал тараққиётида саноат тармоқлари ролини ўстиришнинг, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг янги босқичи бўлиб қолади.

Бугун бутун республикада КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини муҳокама қилиш давом этмоқда. Вазифа шундан иборатки, бу муҳокамани мақсадга йўналтирилган тарзда олиб боришимиз ва у янги резервларни қидириб топишга, бутун халқ хўжалигида бўлгани каби ҳар бир меҳнат коллективининг иқтисодий фаолиятини юксалтиришга имкон беришга эришмоғимиз лозим.

Партиямиз планлари республикамизнинг иқтисодий ва социал тараққиёти учун кенг уфқлар очиб бермоқда, янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантирмоқда. Партиямизнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кучайтирмоқда. Шубҳа йўқки, республикамиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ҳам шараф билан ado этадилар.

> **«САНОАТНИНГ БАЗА ТАРМОҚЛАРИ — ЭНЕРГЕТИКА, МЕТАЛЛУРГИЯ, МАШИНАСОЗЛИК, ХИМИЯНИ, ШУНИНГДЕК, ТРАНСПОРТ ВА ҚУРИЛИШНИ ТЕХНИКА БИЛАН ҚАЙТА ҚУРОЛЛАНТИРИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛСИН. МАҲСУЛОТНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЯНАДА ТЕЗ УСТИРИШ ҲИСОБИГА ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ БИЛАН КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР КОМПЛЕКСИНИНГ СТРУКТУРАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСИН».**
>
> (КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан).

ЖУРНАЛИСТ КАДРЛАРНИНГ ЎҚУВИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг раҳбар партия ва совет кадрлари малакасини ошириш институтида республика, ўлка, область газеталари редакторлари, республика партия журналлари редакторлари, иттифоқдош республикалар информация агентликлари директорлари, бир қанча нашриётлар директорлари ва редакторларининг машғулотлари ниҳоясига етди.

Тингловчилар коммунистик қурилишнинг марксчаленинча назарияси ва шаклиқаси, партиянинг ғоявий-сиёсий иши, КПСС билан Совет давлати ташқи сиёсат фаолиятининг актуал проблемаларини ўргандилар. Меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини янада юксалтиришда, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳанинг умумиҳалқ муҳокамасида, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун, КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь ва октябрь Пленумларининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун социалистик мусобақани ривожлантиришда матбуот ролини кучайтириш масалаларига катта эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, М. В. Зимянин, КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирларининг биринчи ўринбосарлари В. А. Давидов, В. М. Фалин, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси Б. И. Стукалин, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси С. Г. Лапин, ТАСС бош директори С. А. Лосев, «Известия» газетасининг бош редактори П. Ф. Алексеев, «Советская Россия» газетасининг бош редактори М. Ф. Ненашев, «Сельская жизнь» газетасининг бош редактори А. П. Харламов, СССР ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ю. М. Чурбанов, СССР Физкультура ва спорт комитетининг раиси С. П. Павлов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг ректори В. А. Медведев, СССР Госпланя раисининг ўринбосари Н. П. Лебединский, ВЦСПС секретари Л. А. Землянникова, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ю. А. Дергаусов, академиклар Д. М. Гвишиани, Т. С. Хачатуров, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг олимлари тингловчилар ҳузурида лекция ўқидилар.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш, матбуотнинг ғоявий савияси ва таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги иш тажрибаси кенг ўртоқлашилди.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёшларни коммунистик рухда тарбиялаш соҳасидаги актив самарали ишлари учун ва ташкил этилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Хоразм область комсомол ташкилоти Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1980 йил, 17 декабрь.

НОРВЕГИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ СССРга ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Норвегия ташқи ишлар министри К. Фрюденлунд шу йил декабрь ойининг иккинчи ярмида расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адабиёт соҳасидаги хизматлари учун шоир ўртоқ Дегук Угайга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қорақўлчиликни ривожлантириш соҳасида кўп йил, самарали ишлаганл

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ҚИШЛОВНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказган, гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотиш планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришган, ана шу маҳсулотлар етиштириш ва харид қилишнинг ўсишини, чорва туёғи кўпайишини ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан чорва маҳсулдорлиги оширилишини таъминлаган республикалар, ўлкалар, областлар, автоном округлар, районлар, колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари, чорвачилик бригадалари ва фермалари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиблари бўладилар деб белгилаб қўйилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИДАН.

Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз «оқ чашма» ижоднорлари қиш фаслида ҳам ёздагидек кўп сут соғиб олиш учун курашмоқдалар. М. Отанбоева, Г. Кошкинбоева, С. Раҳимқулова каби илғор чорвадорлар ўз боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилишган эди. Улар ўз зиммаларидаги социалистик мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар. Суратда: М. Отанбоева, Г. Кошкинбоева ва С. Раҳимқулова.

В. Портнов фотоси.

⊙ Ташаббускор Андижон области ва ташаббускор районлар даъватига қўшилиб, қишловни уюшқоқлик билан соз ўтказайлик. Қиш фаслида ҳам сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтирайлик.

⊙ Жамғарилган емхашакдан оқилона фойдаланайлик, унинг ҳар бир килограммидан кўпроқ самара олиш чораларини кўрайлик.

⊙ Ташаббускорлар тажрибаси асосида чорва фермалари, комплекслари қуриш, иш жараёнларини комплекс механизациялашни бутун чоралар билан кучайтирайлик.

АНДИЖОНЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

ЧОРВАЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Андижон область партия комитетининг гўшт етиштириш кўпайтириш соҳасидаги ташкилотчилик иши тажрибаси тўғрисидаги қарорида бундай дейилган: область партия ташкилотининг ташкилотчилик иши ҳар бир хўжаликда, ҳар бир фермада ишлаб чиқаришни интенсивлаш, чорвачилик объектларини қуриш ва уларни реконструкциялаш муддатларини қисқартириш, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштириш қувватларини тезроқ ишга тушириш, тез етиладиган тармоқлар — паррандачилик ва чўчқачиликни ривожлантириш ҳисобига маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга қаратилган. Бу фикрлар бизнинг районимиз учун ҳам тўла тааллуқлидир.

Районимиз чорвачиликка ихтисослаштирилган. Қўй гўшти, жун, қоракўл тери, мол гўшти, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар асосан хўжаликларимиздаги озуқа ҳисобига етиштирилади ва давлатга сотилади. Партия ва ҳукуматимизнинг катта моддий-техника ёрдами, чорвадорларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли ўнинчи беш йилликда майда чорва моллар туёқ сони 57 процент, ўрғочи моллар сони 36 процент кўпайтирилди. Ҳозир районимиз бўйича 340 минг бош қўй ва эчкига эгамиз.

Бунга қандай қилиб эришилди? Мен шу ҳақда фикр юритмоқчиман. Қўйлар ва эчкилар зотн муттасил яхшиланиб, маҳсулдорлиги ошириляпти. 1980 йилнинг кўзилатиш мавсумидагина районимиз бўйича ҳар 100 бош совлиқдан мажбуриятдаги 140 ўрнига 166 тадан соғлом кўзи олиб, 115 минга кўзи ўстиришга қолдирилди. Бош чўпонлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Норбой Эргашев, Абдуназар Умаров, Ленин ордени кавалери Истам Рустамов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Файзихон Қўнусов, Сироҳ Усаров, Ғаффор Обидов, Шабо Очилова, Тўхта Шеров, Ҳаким Тошев, Довултой Знётов, ака-ука Абдуғаффор ва Абдусаттор Файзоновлар отарида ҳар 100 бош совлиқдан 200 та ва ундан кўп соғлом қўзилар олинди. Уларнинг бой тажрибасини кенг оммалаштириш мақсадида Норбой Эргашев мактаби ташкил қилдик. Ўн биринчи беш йиллик давомида эгиз қўзилар сонини йилма-йил кўпайтириб бориш тадбирларини белгиладик.

Районимизда гўшт етиштириш кўпайтирилянти. Ўнинчи беш йилликда 9719 тонна гўшт тайёрланиб, шундан 9641 тоннаси давлатга топширилди. Сут, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотлар кўпайтирилиши, сорти ва сифати яхшиланиши туфайли совхозларимизнинг деярли ҳаммаси хўжалик йилини кўп миқдорда соф фойда олиш билан якунламоқда.

Отарлар тузилишига кўз ташласак, жами қўйларга нисбатан сур қўйлар сони 14,5 процентни, кўк рангли қўйлар сони 20 процентни ташкил этганини кўрамиз. Аввалги йиллардагига қиёслаганда бу яхши кўрсаткич. Лекин жаҳон бозорининг ана шундай навли терилларга бўлган талаби инобатга олинадиган бўлса, сур ва кўк рангли қўйлар зотини янада яхшилаб, тери миқдорини кескин кўпайтиришимиз зарур бўлади. Бу қоракўлчилик билан шуғулланувчи барча хўжаликларга ҳам тегишли гапдир. Айни кезда қора рангли терилар сортининг янада яхшиланишини таъминлашимиз керак.

Чорва моллар, хусусан қоракўл қўйлар озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳозирда ҳам бош вазифа, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Коммунист О. Хўжақулов бошчилик қилаётган механизациялашган кўчма колонна коллективи ўнинчи беш йиллик мобайнида катта ҳажмдаги ишларни бажарди. 176 та қудуқ қазилди, 84 та каптаж қурилди, 332 километрга чўзилган водопровод ётқизилди, 23 минг гектар ўтлоқлардан фойдаланиш тўбдан яхшиланди, 370 минг гектар яйлов сув билан таъминланди. Шу даврда 27 минг гектардан кўпроқ яйловга изень, 4 минг гектардан знёд майдонга саксовул экилди. Изень ва саксовул қоракўл қўйларнинг тез семиришини, терилларнинг юқори сорт бўлишини таъминлайдиган омиллардан биридир. Имконият бўлган жойларда бу ўсимликларни кўпроқ экиш чораларини кўриш, мавжудларидан оқилона фойдаланиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳасида «Хўжаликларнинг ўзларида етиштирилган озуқа билан таъминлашига алоҳида эътибор берилсин» дейилган. Бу ҳаёт, ишлаб чиқариш тақозо этган айни муддаодир. Чунки хўжаликларнинг ўзида озуқа нечоғли кўп етиштирилса маҳсулотлар шунча кўпаяди, таннарх арзонга тушади, соф даромад ортади, экономика янада мустаҳкамланади, чорвадорларнинг турмуш фаровонлиги юксалади. Районимизнинг барча совхозларида янги ерлар ўзлаштириш, яйловлардан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари майдонларини кенгайтириб, ҳосилдорлигини оширмоқдамиз. Ленин номли совхоз шу йилнинг ўзидагина беда майдонини 250 гектар кенгайтирди, «Ғозғон» совхозида ташкил қилинган махсус озуқа тайёрлаш бўлими хўжалик бўйича тайёрланаётган озуқанинг 40 процентини етказиб бермоқда.

Озуқадан фойдаланишни яхши ташкил этяпмиз, исрофгарчиликка барҳам берямиз. Чорва қишлови бошланди. Районимиз бўйича қиш фасли учун ҳар бош майда чорва молига 164 килограммдан, қорамолга эса 5.500 килограммдан хашак жамгариб қўйилди. Паррандачилик ривожлантирилянти, озуқа базаси мустаҳкамланянти, маҳсулотлар олиш кўпайтирилянти. Лойиҳада таъкидланганидек, хўжаликларимиз ўзини ўзи хилма-хил ем-хашак билан етарли миқдорда таъминлаш имкониятига эга, бу борада янги зафарлар қўчмоқ учун ҳамма чораларни кўраверадилар. Чорва қишловини ҳар қачонгидан соз ўтказиш уларнинг шарафли бурчига айланди.

Район партия комитети партиямиз анжуманининг тарихий ҳужжатларини чорвадорлар орасида кенг муҳокама қилиш, шунинг замирида социалистик мусобақани янада кучайтиришга катта аҳамият берянти. Лойиҳа барча совхозларнинг партия ташкилоти йиғилишларида, чўпончўлиқлар, молбоқарлар, йилқибоқарлар, чўчқабоқарлар, паррандабоқарлар, ем-хашак тайёрлаш бригадалари аъзолари — хуллас ҳамма жойда зўр қизиқиш билан муҳокама қилинянти, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга ёрдам берадиган, чорва қишловини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланянти, резервлар ишга тушириляпти.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳасида тўла маъқуллаймиз. Унда белгиланган улкан тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш учун бир гайратга ўн гайрат қўшиб ишлаймиз. Съездни янада каттароқ галабалар билан кутиб оламиз, демоқчиларнинг ишларини меҳнаткашлари. Уларнинг сўзлари билан ишлари бир.

Х. ХУДОЙҚУЛОВ,

Нурота район партия комитетининг биринчи секретари.

ФЕРМА ЮЛДУЗИ

Хўжалик йили якунланишига саноқли кунлар қолди. Ўнинчи беш йиллик, хусусан унинг якунловчи босқичи 1980 йил ғоятда изли-қутли келди. Азамат чорвадорлар кунларни тунларга улаб, дақиқалар қадрига етиб меҳнат қилишди. Сигирлардан сут соғиб олишни кўпайтиришди, бузоқлар сонини оширишди. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган ва тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришишди, айни кезда ўн биринчи беш йиллик, унинг биринчи давраси 1981 йилда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга мустаҳкам замин яратишди.

Ана шундай донгдор чорвадорлардан бири ва сут соғувчилар карвонбошиси Минаввар Исоқовадир. Унинг сут етиштиришни кўпайтиришдаги жасорати ҳақида гап борганда, аввало, боқимидаги сигирлар сонини аввалгига нисбатан 10 бошга кўпайтириб, 50 бошга етказганини айтиб ўтиш керак.

10 бош сигирнинг ҳаз биридан 6 минг килограммдан сут соғиб олиш осон ишми? Ёки, 50 бош сигирдан 300 тонналик сут чашмаси бунёдга келтиришининг ўзи бўладими? Минаввар опа ўз зиммасига олган ана шу юксак мажбуриятни шараф билан адо этганини мамнунлик билан таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Илғор чорвадорлар говмиш сигирлардан 4500—5000 килограммдан сут соғиб олишяпти. Лекин айримлар қиш фаслида сигирлардан сут соғиб олишни жуда камайтириб юборадилар. Улар бунга турли важ-карсонлар кўрсатишади. Минаввар опа эса йилнинг тўрт фаслида ҳам мунтазам кўп ва серқаймоқ сут соғиб олянти, кунлик, беш кунлик, ўн кунлик, ойлик, квартал, йиллик топшириқларни ошириб бажарянти. Опадан бунинг сабабини сўрадик.

— Сигирнинг сути тилида, — дейди опа. — Сигирлар нечоғли меҳр билан парвариш қилинса, хилма-хил озуқалар билан боқилса, сутини кўпайтираверади. Айрим соғувчилар сутни кам соғаётганлигини сигирларга тўнкамаслиги керак. Озуқани сигирларнинг мижозига қараб бериш керак. Шунда исрофгарчилик бўлмайди. Давлат омборидаги концентратга кўз тикиб ўтирган чорвадор ҳам йўқ эмас. Биз бундай қилмаймиз. Ем-хашак тайёрлаш бригадаси аъзолари билан ҳамкорликда йил— ўн икки ой озуқа базасини мустаҳкамлаш учун курашамиз. Маккажўхори, беда, хашаки лавлаги, сершира, тез ҳазм бўладиган озуқалар тўплаймиз. Жамғарилган озуқанинг асосий қисмини силос, сенаж, концентрат, ўт унини қиш фасли учун асраймиз. Ҳамма озуқани ойма-ой тақсимлаб, ундан тўла фойдаланиб, айни кезда сигирлар маҳсулдорлигини ошириш, режаларини белгилаб амалга оширамиз.

Минаввар опа йигирма уч йиллик иш тажрибасини ёш соғувчиларга қунт билан ўргатяпти. Соғиш агрегатларидан яхши фойдаланиш, қўл меҳнатини камайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш йўллари ҳақида қимматли маслаҳатлар берянти.

— Сигирлар туғишига икки ой қолганда соғишни тўхтатиш керак. Бу билан сут камайиб кетмайди, аксинча, туққанидан кейин хилма-хил озуқалар билан боқилса олинмаган сутнинг ўрни ортиғи билан қопланади. Мен шу қоидага қатъий амал қилиб келяпман. Натижада ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сути ўртача 350—450 килограмм кўпайтиришга эришяпман. Бу йил ҳар бош сигир маҳсулдорлигини 1979 йилдагига нисбатан анча оширишга эришдим. Озуқа таркиби тўйимли бўлиши керак. Лекин бу билан иш битмайди. Ҳар килограмм озуқадан сутни кўпайтириш манфаатларини кўзлаб фойдаланиш керак.

Минаввар опанинг қимматли маслаҳатларига амал қилаётган шогирдларидан Валида Мусаева, Нафиса Едгорова, Умри Едгорова, Қутби Файзиева, Санобар Қосимовалар хўжалик йилини ўзаларига биркитилган ҳар бош сигирдан 4.300—4.500 литрдан сут соғиб олиш билан якунламоқдалар.

— Кўни кеча матбуотда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг чорвачилик ходимларининг 1980—81 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Шу муносабат билан сиз қандай истаклар билдирасиз, — сўрадик опадан.

— Бу ҳужжат биз чорвадорларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради, — деди опа — Чорвадорлар мусобақасини «Кам сарф-харажат қилиб, кўпроқ ва сифатли маҳсулот етказиб берайлик» шиори остида ўтказамиз. Қиш фаслида сигирлар маҳсулдорлигининг камайишига, бузоқларнинг чиқимга чиқишига асло йўл қўймаймиз. Чорвадорларимиз ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Жумладан, мен йил охиригача боқимимдаги сигирлардан яна беш тонна серқаймоқ сут соғиб олишга аҳд қилдим. Халол меҳнат билан сўзимнинг устидан чиқаман.

Шу кунларда Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Минаввар Исоқова хизмат қилаётган чорва комплексида бўлган кишининг кўнгли кувончларга тўлади. Сут соғувчилар, сигир ва бузоқ боқувчилар, ем-хашак тайёрлаш бригадасининг аъзолари — ҳамма КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ғайрат билан ишлаётганлигининг гувоҳи бўлди. Колхоз сут, гўшт, тухум ва бошқа хил чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш, давлатга сотиш йиллик планлари, мажбуриятларини ҳамма турларни, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ошириб бажарди.

Шу кунларда ҳар бир сут соғувчи кунлик графикни ортиғи билан бажарянти. Молбоқарлар озуқани чорва моллариға рацион бўйича тақсимлаянти, янги туғилган бузоқлар иссиқ хоналарда яхши парваришланянти. Тайёрланган сут ва бошқа хил маҳсулотлар пунктларга пешма-пеш жўнатилмоқда. Комплекс меҳнат аҳли ўн биринчи беш йилликда гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни 25—30 процент кўпайтиришга мустаҳкам замин яратянти.

Шоира ЭРГАШЕВА.

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Партия ва ҳукуматимиз аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш учун ғамхўрлик кўрсатмоқда. Жойларда чорвачиликка ихтисослашган бирлашмалар, замонавий комплекслар барпо этилянти. Ташаббускор Ленин районида жойлашган Андижон паррандa гўшти етиштириш бирлашмаси ҳам ана шу мақсадда барпо этилди. Бирлашманинг бош директори Ҳошимжон ТЕШАБОЕВ коллективнинг истиқбол режалари ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади.

— Бирлашмамиз ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 8,5 минг тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олган эди. Аввалги йиллари чорвачиликдан зарар кўраётган бу корхона кейинги икки йил мобайнида рентабелликка эришди. Коллективимиз 1979 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларини атрофлича муҳокама қилиб, тегишли тадбирларни белгилаб олди. Унда паррандалар бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, айниқса, катта эътибор берилди. Бунинг учун наслчилик ишларини яхшилаш чораларини кўрдик. Ган шундаки, инкубаторга қўйиладиган тухумлар бошқа шаҳарлардан келтирилар, уларнинг сифати ҳам у қадар яхши бўлмас эди. Ортиқча харажатларга чек қўйиш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун тухум берадиган товуқларни бирлашманинг ўзида марказлашган усулда парваришладик. Эскирган асбоб-ускуналар ўрнига янги мукаммал механизмлар ўрнатилди. Пировард натижа эса тобора яхшилана борди. Масалан, «КБУ-3» типидаги ускунани ўрнатганимиздан кейин 18 минутга товуқ сиғадиган жойга 35 минута товуқ жойланди. Ҳозир бирлашмамизда бундай ускуналар сони 7 тага етди.

Эндиликда паррандачилик билан дуч келган кишилар эмас, балки етарли билим ва малакага эга бўлган ходимлар шуғулланмоқда. Чунки замонавий асбоб-ускуналар фақат етарли билимга эга бўлган кишилар томонидан ишлатилиши мумкин.

Озуқа етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берямиз. Районимизда қурилаётган Асака сув омбори ишга тушгач, яна 1,5 минг гектар экинзорни ишгол этган озуқа етиштирувчи хўжалик ташкил этилади. Булардан ташқари паррандаларни етарли оқсил ва витаминга эга бўлган омухта ем билан боқишга эътиборни кучайтирямиз. Ҳозиргача биз бундай омухта емни Наманган, Жомбой ун комбинатларидан келтирямиз. Бу анча харажат талаб қиляпти. Агар ўз областимиздаги Андижон ун комбинатида чиқарилаётган омухта емлар паррандаларга мослаштирилганда ишимиз анча енгилашган бўлар эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон область партия комитети ва Ленин район партия комитетининг гўшт етиштиришни кўпайтириш борасидаги ташаббусини маъқулладик. Бу бизнинг бирлашмамиз ходимларига ҳам катта масъулият юклайди. Шубҳа йўқки, корхонамиз ташаббускор районимиз чорвадорлари олган юксак мажбуриятнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшади.

ЧЎПОН ТАШВИШЛАРИ

Чорвадорлар қишловга кирдилар. Яйловларда ҳарорат пасайиб, изғиринли кунлар бошланди. Лекин ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам отарлар ва фермалардаги қўйлар, тўҳлилар, қўзиларни қишловдан бехатар чиқаришга етарли ем-хашак жамғариб олганмиз. Озуқа майдаланиб, қоришма тайёрланиб қўйилган. Масалан, менинг отаримда ҳар бош қўй учун қишлов даврига икки ярим центнердан озуқа жамгарганман. Ундан ташқари анчагина эҳтиёт озуқа фондига эгаман.

Қишловнинг ўзига хос қийинчиликлари ва роҳати бўлади. Қўйчилик хўжаликларида қишловни соз ўтказиш учун нималар қилиш керак. Қўйларни тунда камида 4—5 соат яйлов кездириш лозим. Лекин об-ҳавони ҳисобга олиб, қўйхоналардан узоқлашиб кетмаслик керак.

Озуқани сарфлашда қаттиқ тартиб бўлсин, бир грамм ҳам ем-хашакнинг исроф бўлишига йўл қўйилмасин. Баъзан оз миқдорда ориқ, касалликка чалинган, чимхўр қўй-қўзилар учраб туради. Уларни алоҳида ажратиб олиб, қўшимча емлаш, суғориш талаб этилади. Акс ҳолда нобудгарчилик юз бериши мумкин. Бунга йўл қўймаслигимиз керак. Қишлов даврида отарлар, фермаларга кўнгилли ёрдамчи кучлар ташланиши лозим. Қўйчилик маҳсулотларидан ҳамма баҳраманд бўлади. Шундай экан, ҳамма чўпон-чўлиқларга кўмаклашса яхши бўлар эди. Зоотехниклар, ветеринария врачлари ва бошқа мутахассислар бутун қишлов давомида чўпон-чўлиқлар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳамкорлик қилсинлар. Бўғоз совлиқларни тунда озиқлантириш, суғориш сира унутилмасин. Мен отаримдаги 650 бош совлиқни қишлоқдан тўқ ва семиз ҳолда олиб чиқаман, баҳорги кўзилатиш мавсумда ҳар юз бош совлиқдан олинадиган кўзиларни кескин кўпайтираман.

М. БУРОНБОЕВ,

Фориш районидаги «Қизил қум» совхозининг бош чўпони.

ТАЖРИБАГА ТАЯНИБ

Сут-товар фермасида ишлай бошлаганимга кўп йиллар бўлди. Ҳар сигирдан соғиб олинадиган сутни мунтазам ошириб келяпман. 1980 йилда боқимимдаги 34 бош сигирнинг ҳар бошидан 5 минг килограммдан сут соғиб олиб, биринчи марта шундай юқори кўрсаткичга эришдим. Тажриба шуни кўрсатдики, сигирлар зоотехника қоидалари асосида парваришланса, вақтида яхши боқилса ва соғилса сутини кўпайтираверади. Бунинг учун фермаларнинг ходимлари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишлари, илғор тажрибаларга таяниб, ташаббуслар кўрсатишлари зарур.

Биз фермада қаттиқ интизом ўрнатганмиз. Соғувчилар, емхашак тайёрловчилар, сутни қабул қилувчилар, мутахассислар ҳамкорликда ишлаймиз. Бирор бош сигир кунлик сутини камайтириб қўйса, бунга фавқулотда ҳол деб қараймиз, дарҳол тегишли чора-тадбирлар кўрамиз. Энг муҳими ҳар бош сигирдан камида битта бузоқ олишни бош вазифа деб биламиз. Сигирлар бузоқлаб турса туёқ сони ҳам, сут миқдори ҳам кўпаяверади. Бунда хилма-хил озуқа ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Республикамизнинг донгдор сут соғувчилари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Анастасия Чудная, Минаввар Исоқова, СССР Олий Совети депутати Шарифа Муқимовалар республикамизнинг барча сут соғувчиларини ўн биринчи беш йилликда, хусусан унинг биринчи давраси 1981 йилда меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришишга чақирмоқдалар. Мен бу чақириққа қўшилиб, янги йилда ҳар бош сигирнинг маҳсулдорлигини яна 300 килограмм кўтариш учун бутун куч-ғайратимни сафарбар қиламан.

Қумринисо АБДУЛЛАЕВА,

Бувайда районидаги Киров номли колхоз сут-товар фермасининг оператори.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Зомин районидаги «Қизил чорвадор» совхозининг 1-ферма бош чўпони Жаббор Яхшиликов чорва қишловини намунали ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Айниқса, қўйларни яйратиб боқишга алоҳида эътибор бераётир. Шу туфайли отаридаги 750 бош қўй этига-эт қўшаётир. Суратда: Жаббор Яхшиликов.

Е. Ботиров фотоси.

СИНОВ ФАСЛИ

Шу кунларда яйловларда ҳаёт қайнаяпти. Чўпон-чўлиқлар ўз отаридаги қўй-қўзиларни илиқ кунларда ялоқи борича серўт яйловларда ўтлатяпти. Ҳаво совуши билан иссиқ қўйхоналарга олиб, қўшимча озуқа билан боқяпти. Биз қўй-қўзиларни яйловларга чиқариш мушкуллашган кезларда иссиқ хоналарда сақлаймиз, кундуз кунлари уч марта, тунда бир марта озиқлантиришни қонда тусга киритганмиз.

Менинг отаримда 500 бош совлиқ бор. Совлиқлар зоотехника қоидалари асосида урчитилган. Келаси йили баҳорда ҳар 100 бош совлиқдан 180 тадан қўзи олиш ниятим бор. Бунинг учун совлиқларни кўз қорачиғидек асраяпман, хилма-хил ем-хашак билан боқяпман, яйлов кездирямман. Совлиқлар меҳр билан парваришлаганимиз, бола ташлаймайди. Бу келгусида туёқ сони, демакки, қоракўл тери, гўшт, жун кўпаяди дегани. «Ремонтга чиқарилган қари қўйларни бўрдоқичилик базасига топширганман. Уларнинг ўрнини баҳорда янги туғилган сермаҳсул зотли қўзилар ҳисобига тўлдираман.

Чўпон-чўлиқлар қишки совуқлар, қийинчиликларга ҳамиша бардошли кишилардир. Улар бу йилги қишловни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқадилар дейишга ҳамма асослар бор.

Райҳон ЭШАТОВ,

Муборак районидаги «Чорвадор» совхозининг бош чўпони.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАММАНИНГ ИШИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доимий комиссияси ўзининг 16 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида Қашқадарё область халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг ишини кўриб чиқди. Ана шу масалани муҳокама қилишга тайёрлашда депутатлар билан бирга кўплаб мутахассислар ва олимлар, жамоатчилик намояндалари қатнашдилар.

Мажлисда шу нарса қайд этиб ўтилдики, Қашқадарё областининг маҳаллий Советлари Ўзбекистон ССР Конституциясининг ҳайвонот дунёсини қўриқлашга оид қисмидаги қоидаларни бажариш соҳасида муайян иш қилмоқдалар. Ов қилинадиган майдонларнинг кўп қисми давлат назорати остига олинди, овчиликни тартибга солиш чоралари кўрилмоқда, беижозат ов қилишга қарши кураш штаблари тузилди.

Бироқ, депутатлар ҳайвонот дунёсини қўриқлашни кучайтириш соҳасида республика Олий Совети ўртага қўйган вазифаларнинг бажарилишини ижроия комитетлар ҳали тўла даражада таъминламаётганликлар и н и ҳам кўрсатиб ўтдилар. Табиатни қўриқлаш, овчилар ва балиқчилар жамиятларининг фаолиятини яхшилаш борасида областда кўпгилдагидек иш қиликаётгани йўқ. Қўриқхоналар ва ўрмон хўжаликларининг ходимлари ҳайвонларни, айниқса уларнинг кам учрайдиган ва йўқолиб бораётган турларини қўриқлаш ва кўпайтиришни кучайтиришда активлик кўрсатмаяптилар, уларни тегишли тартибда ҳисобга олиб бормаяптилар Баъзан ов қилиш қоидалари бузилмоқда, беижозат ов қилиш фактлари кузатилмоқда, қоидани бузувчилар эса кўпинча бунинг учун тегишли жавобгарликка тортилмаяпти.

Комиссия Қашқадарё область ижроия комитетига бу ишдаги мавжуд камчиликларни тугатишни, Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлиги билан биргаликда ўрмон ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш соҳасидаги ишларни яхшилаш, ҳайвонлар ва парранда ларни илмий асосланган тарзда ҳисобга олишни йўлга қўйиш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида қўриқхоналарнинг иш даражасини ошириш ва қўриқхоналар режимига риоя қилиш юзасидан конкрет чораларни белгилаб, амалга оширишни тавсия этди. Область овчилар ва балиқчилар жамияти ишига раҳбарликни кучайтириш, табиатни муҳофаза қилувчилар ва маъмурий органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш зарур.

МУҲИМ ТАВСИЯЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шу кун республика Олий Совети хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари доимий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Самарқанд области маҳаллий Советларининг ва «Ўзплодоовощвинпром» бирлашмасининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бажариш ва мактабгача тарбияни янада яхшилаш соҳасида олиб бораётган ишларини муҳокама қилдилар.

Депутатлар таъкидлаб ўтганидек, Самарқанд областида болалар муассасалари ва туғруқхоналарнинг моддий базаси мустаҳкамланиб бормоқда, медицина хизмати кўрсатиш сифати ошди. Областда ва «Ўзплодоовощвинпром» корхоналарида мактабгача тарбия болалар муассасаларининг тармоқлари сезиларли даражада кенгайди. Болалар учун мева ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга оид бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга комиссия аъзолари Самарқанд областида болалар муассасаларининг тармоқларини ривожлантириш, педиатрия шифохоналарида ва туғруқхоналарда ўринларни кўпайтириш зарурлигига, болалар учун сут тайёрлайдиган ошхоналар сони аҳоли сонининг ўсиш суръатларидан ҳали орқада қолаётганлигига эътиборни жалб этдилар. Оналар ва болаларга медицина хизмати кўрсатишни ташкил этишда, қишлоқ районларини педиатр врачлар ва тарбиячи ҳамширалар билан таъминлашда ҳам камчиликлар бор. Болаларнинг мактабгача тарбиясини ташкил этишдаги нуқсонлар барҳарф этилгани йўқ. «Ўзплодоовощвинпром» корхоналари болалар овқати учун маҳсулотлар ишдаб чиқариш ва кўпайтириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланяптилар, деб бўлмайди.

Комиссия Самарқанд область ижроия комитети, шаҳар ва район ижроия комитетлари учун болалар ва хотин-қизлар соғлигини сақлашни яхшилашга ва улар ўртасида касалликларни камайтиришга, даволаш-профилактика ишини такомиллаштиришга, туғруқхоналар, болалар касалхоналари ва поликлиникалари, мактабгача тарбия муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва уларни малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган тавсиялар қабул қилди. «Ўзплодоовощвинпром» бирлашмасига болалар овқати учун юқори сифатли маҳсулотларни ғоят кўп турда ишлаб чиқаришни ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўриш таклиф этилди.

(ЎзТАГ).

Планетамизда

КЕЧА КУБА КОМПАРТИЯСИНИНГ II СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

ХАЛҚНИНГ ЖАНГОВАР АВАНГАРДИ

Кубада 1980 йил Куба Компартиясининг II съездига тайёргарлик шиори остида ўтди, десак муболаға бўлмайди. Чунки бу съезд социалистик қурилиш йўлида янги муҳим босқич бўлиб қолади. Мамлакатнинг ҳамма қисмида съезд шарафига социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилди, биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олган юз мингларча меҳнаткашлар съездолди вахтасида меҳнат қилмоқдалар.

2 ноябрь куни бутун мамлакат миқёсида Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги ва мамлакат Компартиясининг II съездига бағишланган коммунистик якшанбаликнинг жуда баланд руҳ билан ўтганлигини эсдан чиқариб бўлмайди. Жуда кўп киши қатнашган бу қадар улкан меҳнат байрами Кубанинг революциядан кейинги тарихида ҳеч қачон кўрилмаган эди. Шу куни 1,7 миллиондан ортиқ киши — ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, революцион қуролли кучларнинг жангчилари, студентлар ва юқори синфларнинг ўқувчилари ихтиёрий меҳнатда иштирок қилдилар. Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлардан келиб Кубада ишлаётган мутахассислар ҳам улар билан биргаликда якшанбаликда қатнашдилар.

Коммунистик партия ўзининг II съездини ташкилий ва ғоявий жиҳатдан янада қўпроқ мустаҳкамланиб, Куба халқининг энг яхши вакилларини ўз сафларида жиҳозлаштирган ҳолда кутиб олмоқда. Яширин шароитда курашган ветеранлар ва Сьерра-Маэстра жангларининг қатнашчилари, ишчилар, деҳқонлар, инженер ва техниклар, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари, революцион қуролли кучларнинг жангчилари, кекса авлодга майсуб кишилар ва революция ғалабасидан кейин ўсиб улғайган ёшлар Ватанга муҳаббат, янги жамиятни барпо қилиш ишига садоқат туйғулари билан бирлашган.

— Мен, — деб ҳикоя қилади Кубадаги етакчи давлат цитрус хўжаликларидан бири «Сейба»нинг атоқли бригадири Сиро Соса,—1969 йилда коммунистлар сафига ўтдим. Ўша йили умуман менинг ҳаётимда муҳим воқеа рўй берди: бизнинг районимизда ана шу хўжалик ташкил этилганлигини биғлиб, ўз еримни давлатга тўҳфа қилиш ва давлат хўжалигида ишлашга қарор бердим.

Сиро ҳозир бу воқеа тўғрисида одатдаги бир ҳодатни гапираётгандай ҳикоя қиладди. Аммо деҳқоннинг шундай қарорга келишдан олдин қандай кечинмалар ҳис қилганлигини тушуниб олиш қийин эмас. Плантаторга меҳнат қилган батрак бир парча ерга эга бўлишни неча йиллаб орзу қилиб келганлигини, революциядан кейин ўз хусусий ерига эга бўлиб эрта баҳордаёқ омоч билан биринчи марта эгат олиш бахти оилага қандай қувонч бахш этганлигини тасаввур этиб кўрингчи! Сиро бир неча йилдан кейин мевазор қилиш учун ўз ерини шу округда биринчи бўлиб давлат ихтиёрига топширган деҳқон эди. Яқинда Кубанинг ҳамма кисмида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялар ўтказилган вақтда «Сейба» коммунистлари Сиро Сосани якдиллик билан партия II съездига делегат қилиб сайладилар.

...«Сейба» хўжалигида бўлганимиздан кейин Гавана вилояти партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Луис Альварес билан учрашдик. Биз йирик чорвачилик комплекси «Лос-Наранхос»ни ва Аригуанабо посёлкасидаги тўқимачилик комбинатини ҳам бориб кўрдик. Ана шу учта ишлаб чиқариш маркази Гавана вилоятида ҳақли равишда етакчи хўжаликлар деб ҳисобланади. Улар беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар.

Муваффақиятлар тўғрисида гапирганда шуни айтиш керакки, деди биз билан суҳбатда ўртоқ Альварес, уларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдами ва бирдамлиги билан чамбарчас боғланган. Шу фурсатдан фойдаланиб, Гавана вилоятининг коммунистлари ва барча меҳнаткашларга номидан совет кишиларига чин кўнгилдан миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз, уларга янги меҳнат муваффақиятлари, бахт-саодат тилаймиз. Мамлакатимизда КПСС XXVI съездига ҳозирлик кўрилаётганини яхши биламиз. Биз бу съезд улуғ Ленин Ватанининг ҳаётида янги саҳифа очиб беражагига аминмиз.

О. КОЛЕСНИКОВ,
ТАСС мухбири.

Лаос Халқ Демократик Республикаси пойтахти — Вьентьянда «Татлуанг.80» халқаро савдо-сотиқ ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 9 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи қатнашди. Суратда: СССР павильони ёнида.

А. Еровченков фотоси. (ТАСС).

И. ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Бош министр Индира Ганди Ҳиндистон Республикасининг парламентида сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстлик визити якунларига бағишланган баёнот берди.

Бу визитга Ҳиндистон ҳам, СССР ҳам катта аҳамият бердилар, деди Индира Ганди. Ҳозирги халқаро вазият ва бизнинг районимиздаги аҳвол муносабати билан ҳам бу визит муҳим бўлди.

Биз ҳиндистондагилар Совет Иттифоқи билан дўстлигимизни қадрлаймиз, бу дўстлик бизнинг мамлакатимиз мустақилликка эришмасдан аввалоқ вужудга келган эди. Бизнинг дўстлигимиз кўп соҳаларни ўз ичига олади ва иккала мамлакатимиз халқларига фойда келтиради, шунингдек бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга кўмаклашади. Иккала мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий системалари ҳар хил бўлса ҳам, биз ялпи тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш тўғрисида умумий ва муқим мажбурият олганмиз.

Совет президенти Ҳиндистон—Совет иқтисодий ҳамкорлигининг кумуш юбилейи йилида Ҳиндистонга ташриф буюрганлиги яхшилик нишонаси бўлиб хизмат қилади, деди сўнгра Бош министр. Ҳиндистоннинг қадимий дўсти бўлган президент Л. И. Брежнев бу ерга 1961 ва 1973 йилларда келган эди. Кўп жиҳатдан у Ҳиндистон—Совет дўстлиги иморатининг меъмори бўлди.

Биз, деди сўзини давом эттириб Индира Ганди, жуда кўп масалаларни, айниқса, иккала мамлакатимизни бевосита қизиқтирувчи масалаларни муҳокама қилдик.

Биз халқаро муносабатларни муҳокама қилган чоғимизда, деди сўзини давом эттириб И. Ганди, умуман дунёдаги вазиятни ҳам, шунингдек районимиздаги ишларнинг батафсил аҳволини ҳам кўриб чиқдик. Ҳинд океанидаги вазиятга ва Эрон билан Ироқ ўртасидаги можарога келганда томонларнинг фикрлари бир-бирига жуда яқин бўлди.

Сўнгра Индира Ганди Афғонистон теварагидаги аҳвол масаласи хусусида ўз ҳукуматининг нуқтаи назарини баён этиб, бу масалани сиёсий йўл билан ҳал этиш лозимлигини уқтириб ўтди.

Жануби-Ғарбий Осиё муаммоларини, шунингдек қаерда бўлишидан қатъий назар бошқа ҳамма вазиятларни фақат тинч сиёсий йўл билан ҳал этиш керак деган фикрни иккала томон изҳор этди. Совет раҳбари, деди И. Ганди, Ҳиндистон бундан буён ҳам мазкур райондаги вазиятни нормаллаштиришда ижобий роль ўйнай беради ва муаммоларнинг тинч сиёсий ҳал этиш йўлларини қидириб топишда кўмаклашаверади, деб умид билдирди.

Ҳинд океанига келганда, И. Ганди мана шу сув ҳавзасида ажнабийларнинг қуролли кучлари кўпайтирилаётганини қоралади. Бу ерда мавжуд базаларни мустаҳкамлаш учун ҳамда янги базалар ва иншоотларни қўлга киритиб олишга зўр бериб ҳаракат қилинмоқда, деди у. Ҳиндистон бутун Ҳинд океани тинчлик зонаси бўлиб қолишини талаб қилади.

Жаҳон миқёсидаги муносабатларни умуман ижобий тарзда яхшилашга кўмаклашиш учун буюк давлатлар зиммасига алоҳида масъулият тушади, деди Бош министр сўзини давом эттириб. Мана шунга асосланиб президент Л. И. Брежневнинг парламент аъзолари ҳузурида сўзлаган нутқида баён этиб берган таклифлари амалий таклифлар бўлиб, уларни синчиклаб ўрганиш зарур.

Совет раҳбарлари Европадаги кескинлик яна кучайиб бораётганлигидан ва Марказий Европада қуролсизланишга доир музокаралар боши берк кўчага кириб қолганидан ташвишланмоқдалар. Иккала жаҳон уруши — инсоният бошига илгари ҳеч қачон тушмаган ва энг кўп вайронгарчилик келтирган мана шу можаролар Европа қитъасида бошланганини парламент аъзолари яхши эслайдилар. Шу сабабли Европада тинчлик ҳукм суриши жуда зарур. Европадаги кескинликни юмшатиш жараёни урушдан кейинги реал воқелик тан олинишига ҳамда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳити вужудга келтирилишига ёрдам берди. Бу жараён ҳозирги тўсиқлардан ошиб ўтиб мустаҳкамланади ва ер куррасининг бошқа районларига ҳам ёйилади, деб умид қиламиз.

Совет президентининг визити, деди сўзининг охирида Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи, бизга Ҳиндистон—Совет муносабатларининг мустаҳкамлиги ва ҳаётийлигини тасдиқлаш учун қимматли имконият берди. Бу муносабатлар ишонч ва манфаатларнинг муштараклиги асосига қурилганлиги учун ҳам замон синовидан яхши ўтди. Гарчи биз бирон-бир ҳолатда қандайдир конкрет воқеа хусусида турли фикрда бўлсак ҳам, дўстлигимиз равнақ топаверади ва биз бир-биримиз билан, шунингдек бошқа маслакдош мамлакатлар билан бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ҳамкорлик қилаверамиз.

(ТАСС).

Тошкентда халқаро семинар

16 декабрь куни Тошкентда очилган халқаро семинар қатнашчилари ер ости сувларини ифлосланишдан ва қуриб қолишдан сақлаш проблемаларини муҳокама қилдилар. Семинарни маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО) ўтказмоқда. Семинарда СССР, Чехословакия, Болгария, Польша, Франция, Канаданинг таниқли гидрогеолог мутахассислари иштирок этмоқдалар. Сувни муҳофаза қилиш ишлари соҳасидаги тажрибани ўртоқлашиш, олимларнинг мунозаралари уч кун давом этади.

(ЎзТАГ).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БУДАПЕШТ. Венгрия касаба союзларининг навбатдаги XXIV съезди бу ерда ўз ишини тугаллади. Мамлакат касаба союзлари аъзоларининг 4 миллиондан зиёд отрядининг вакиллари бўлмиш съезд делегатлари ўтган беш йил мобайнидаги ишларнинг якунини чиқардилар. Венгрия касаба союзларининг келгуси даврдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгиладилар.

ЛИССАБОН. Бу ерда Португалия меҳнаткашлари умумий конфедерацияси — миллий интерсиндикалининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда мамлакатдаги сиёсий вазият таҳлил этилди ва касаба союз ҳаракатининг яқин даврдаги вазифалари муҳокама қилинди.

Португалиянинг энг йирик касаба союз бирлашмаси минимал иш ҳақини кўпайтириш, аҳолининг харид қувватини ошириш учун, корхона эгаларига ва ҳукуматнинг коллектив меҳнат шартномаларига риоя қилишлари учун курашни кучайтиришга қарор берди.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Райпура шаҳрида (Мадҳа-Прадеш штати) Миллионларча қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражаси оширилсин!», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархи кўпайтирилсин!» деган шиорлар остида деҳқонлар ва батракларнинг намойиши бўлди. Намойишда бир неча минг киши қатнашди. Бу намойиш Ҳиндистон Коммунистик партияси ва штатдаги бошқа сўл партиялар ташкилотларининг ташаббуси билан ўтказилди.

ТОКИО. Япония Коммунистик партияси мамлакатдаги маҳаллий ҳокимият органлари депутатларининг сони жиҳатидан бошқа сиёсий партиялар орасида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Муниципал мажлислар вакиллари миллий кенгашининг хабар беришича, 2609 аҳоли пунктидаги муниципал мажлисларда Компартия вакиллари 1.672 ўринни эгаллаб турибди.

(ТАСС).

КИНО САНЪАТИМИЗ ДУРДОНАЛАРИ ҚУРИГИ

Москвада ўтказилган Совет фильмлари ҳафталиги катта муваффақият қозонди. Ҳафталикда асосан совет киносанъати хазинасини бойитган энг сара, дурдона асарлар намойиш этилди. Санъат шинавандалари эътиборига ҳавола этилган юзта нодир асар Москванинг 130 кинотеатрида экранга чиқарилди. Томошабинларнинг қизғин олқишига сазовор бўлган «Потёмкин броненосеци», «Чапаев» каби юксак санъат намунаси бўлган асарлар қаторида Ўзбекистон кинематографчилари яратган «Тоҳир ва Зуҳра», «Сен етим эмассан», «Хўжа Насриддин» ва бошқа қатор фильмлар ҳам намойиш қилинди.

С. КОСТИРКО,
Москва.

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

Пиғирманчи асрда инсониятга энг кўп хуруж қилаётган хасталиклардан бири сариқ касаллигидир. Бемаза қовунинг уруғи кўп деганларидек, бу касалликнинг ҳам тури ва хиллари кўп. Жигар ўтининг димланиши натижасида келиб чиқадиган сариқ хасталиги ҳам шулар жумласига киради. Уни баъзан ўтда тош тўпланиши касаллиги ҳам дейилар. Чунки ҳар ўн кишидан бирида учрайдиган бу касаллик ўт қопчаси ва ўт йўлларида тош ҳосил бўлиши билан характерланади. Касаллик ҳамма ёшда ҳам учраши мумкин. Лекин 30—55 ёшдагилар орасида кўпроқ учрайди. Аёллар бу хасталикка эркакларга нисбатан олти маротаба кўп йўликадилар.

Ўт қопчаси ва ўт йўлларида ҳосил бўладиган тош сони битталан бир неча миттагача, катта-кичиклиги эса бир миллиметрдан товуқ тухумигача катталикда бўлади. Ўнг қобирга остида қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши касаллик аломатларидан биридир. Оғриқ зўрайиб, айрим ҳолларда бемор ҳушини йўқотиши ҳам мумкин. Бир неча минутдан бир неча соатгача давом этадиган оғриқ одатда овқат истеъмол қилинганидан кейин икки-уч соат ўтгач бошланади. Шунақа вақтда кўнгил айниши, қусиш, қарорат кўтарилиши, аъзойи баданнинг қалтираши касаллик белгиларидан бўлиб, баъзан танада сарғайиш аломатлари ҳам кўринади. Сариқлик касалликнинг дастлабки даврида, икки-уч кун давомида пайдо бўлиб, тезда йўқолиши мумкин. Сариқликнинг узоқ вақт сақланиши тошнинг нафақат ўт қопчасида, балки асосий ўт йўлида ҳам мавжудлигидан далолат беради. Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, беморлар кўпинча ўз касалликларига эътибор бермайдилар ва вақтида врачга мурожаат қилмайдилар. Оқибатда эса хасталик асорат қолдиради ва бунга беморларнинг ўзлари сабабчи бўлиб қоладилар. Ўт димланиши сариқ касаллигининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш уни мукаммал даволашда катта аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда бу касаллик диагностикасида кўпгина замонавий, илмий методлар қўлланилмоқда. Айниқса, қонининг биохимия хусусиятларини ўрганиш, рентгенологик, радиологик ва эндоскопик методлар алоҳида роль ўйнамоқда. Қўйилган диагноз ва организмдаги патологик ўзгаришларни эътиборга олиб турли шифо чоралари, шу жумладан, хирургик даволаш тадбирлари белгиланади.

Кеча Тошкентда жигар ўтининг димланиши натижасида келиб чиқадиган сариқ хасталигини аниқлаш, даволаш ва профилактика тадбирларини кўришга бағишлаб конференция очилди. Анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши бежиз эмас. Ўзбекистон олимлари конференция кун тартибига қўйилган кўпгина масалаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бутуниттифоқ хирургия илмий-тадқиқот марказининг Тошкент филиалида жигар касалликларини даволаш ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш бўйича марказ ташкил этилган. Бу ерда жуда катта илмий ва даволаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги қадар шу соҳада мингдан ортиқ операция ўтказилганлигини айтиш кифоя.

Анжуманда республикамизнинг таниқли шифокорлари билан бир қаторда Москва, Ленинград, Киев ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан етакчи олимлар қатнашмоқдалар. Икки кун мобайнида бу ерда ўт димланиши сариқлиги касаллигини даволаш ва олдини олиш юзасидан тўпланган тажриба ўртоқлашилади. Бу соҳада ҳал этилмаган муаммолар юзасидан мунозаралар олиб борилиб, фикр алмашинилади, касалликни даволашнинг аниқ программаси белгилаб олинади.

В. ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, профессор.

МОТОРДА — ФАХРЛИ БЕШ БУРЧАК

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тажриба ремонт-механика заводида ремонтдан чиқарилган ҳайдовтракторларининг моторларига Сифат белгиси қўйила бошланди. Корхонада ремонт ишларининг пухталиги ва сурьатларини оширишга қаратилган тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда. Ҳозир завод конвейеридан ҳар сменада янгиланган ўттизта мотор, яъни беш йиллик бошидагига қараганда икки баравар кўп мотор тушиб турибди.

(ЎзТАГ).

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Ш. А. Аҳмедовни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Суди аъзоси вазифасидан озод қилди.

Ўртоқ З. Ш. Насриддинов Ўзбекистон ССР Олий Суди аъзоси вазифасидан озод қилинди.

ТОЖИКИСТОНДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

ДУШАНБА, 17 декабрь. (ТАСС). Бугун маҳаллий вақт билан соат 1 дан 01 минут ўтганда Тожикистон пойтахти аҳолиси кучли ер ости силкинишини сезди. Ер қимирлаш маркази шаҳардан 20 километр жанубий шарқда бўлиб, у ерда зилзила куни ўн икки балли шкалага мувофиқ 7 баллга етди. Душанбада 5—6, Ленин райони марказида 6—7 балл, Кўлоб, Норак, Оржоникидзеобод, Ёвон шаҳарларида ва Ҳисор посёлкасида 3—4 балл куч билан ер қимирлаганлиги қайд этилди. Душанбада ва Ленин районида баъзи иморатлар шикастланди. Зилзила марказий районидаги тоғ йўлларида ўпирилишлар юз берди. Курбонлар йўқ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горичилар, қаердасиз! 10.35 — Киносаҳатчилар клуби. 11.35 — Шимол халқлари артистларининг концерти. 12.15 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Людвиг Ван Бетховен. 16.35 —Шаҳмат мактаби. 17.15 — Концерт. 18.15— Миллионлар ленинча университети. 18.45 —Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.40 — Катталар учун контрол иш. 20.25— Театр ва давр. 21.30 —Время. 22.00 — «Известия» газетаси совғини учун хоккейбўйича халқаро турнир. СССР — Чехословакия. Танаффусда — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Болалар учун концерт. 12.30 —Ишлаб чиқаришнинг социалистик усули. 13.00 — Дастлабки пионер гулханларининг алангаси. 13.30 — Алангали йўллар. Бадиий фильм, 3-серия. 18.30 — Мультфильмлар. 18.45 — Ешлик. 19.15— «Ўзбекистон» нашриёти КПСС XXVI съездига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ғазал оқшоми. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 —Время. 22.00 — Турмуш ва маданият. 22.30 — Алангали йўллар. Бадиий фильм, 4-серия.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Инглиз тили. 20.55 — Химия. 21.55 — КПСС XXVI съездига — зарбдор меҳнатимиз.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ куйларидан концерт. 9.40 — Қадрдон ўлка ҳақида кўшиқлар. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Ота пандан. 14.00 — Муборак далаларида. 19.25 — Республика ёш композиторларининг асарлари. 21.00 — ВКП(б) XIV съезди очилганлигининг 55 йиллигига. 21.10 — С. Акбарий «Кўкан Шўро» поэмасидан боблар. 21.30 — Съездолди зарбдор вахтаси илғорлари. 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 23.15 — Тинглаб, дам оламиз.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/XII да Олтин девор, 20/XII да Тирик мурда.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —НАТАЛЬЯ РУБАНОВА раҳбарлигидаги «И�ллюзион КАЛЕЙДОСКОП» аттракционининг гастроллари (19.30).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ЎЗБЕКИСТОН ҚАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

раҳбар биохимия;

катта илмий ходимлар: тадқиқотнинг функционал методлари, электрон микроскопия билан патоморфология;

кичик илмий ходимлар: илмий-ташкилий, юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларни этапли даволаш (2 ўрин), юрак ишемик касаллигини даволаш ва диагностикалаш учун бета-адренорецептлар стимуляторларини ва блокаторларини қўллашни ишлаб чиқиш, артериал гипертензия, патоморфология, юрак-ичак касалликлари эпидемиологияси (2).

Конкурс муддати — 1 январгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2-уй. Телефон: 46-19-24.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг БОТАНИКА ИНСТИТУТИ лабораторияларга ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходимлар — ботаниклар: хом ашёси усимликларни излаш, эфир-мойли ва бўёқли ўсимликлар.

Конкурс муддати — 1 январгача.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700125, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 32-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институти коллективи лаборатория мудири С. А. Зайниддиновга укаси Фахриддин Зайниддинович АСИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-69-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-43-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — 33-90-50.

Р. — 02442. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 288. 7